Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обунанга 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 28 ноябрь, шанба № 235 (21.333).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Тиклаш ва тараққиёт банки Президенти Жак Аттали жаноблари-ни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонга Ўзбекистон Республикаси ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгандан буён ўтган қисқа вақт ичида иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўли билан миллий иқтисодиётни барпо этиш борасида талай ишлар амалга оширилгани, бунинг учун мамлакатимизда энг асосий омил — сиёсий барқарорлик мавжудлиги, шунингдек, кейинги пайтда Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя солишни истаган чет эллик ишбилармонларга бир қанча имтиёзлар берувчи қонунлар қабул қилинганлиги ҳақида гапириб берди.

Жак Аттали жаноблари Ўзбекистонга ташрифидан мақсад бу ёш мустақил давлатнинг ўз иқтисодиётини тиклаб олишда ёрдам бериш учун мавжуд шарт-шароит билан танишиш ва қанча миқдорда молиявий ёрдам бериш зарурлигини аниқлаб олиш эканини айтди. Сўнгра Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асосий таянчларидан бири бўлган ўрта ва майда бизнесни ривожлантириш учун ёрдам бериш ниятида эканини ҳам маълум қилди.

Ўша куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат бўлди.

(ЎзА).



Қабул пайти.

ЎЗБЕКИСТОН—ЭРОН:

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Эрон Ислом Жумҳурияти Президентининг ҚЎШМА БАЁНОТИ

1992 милодий йилининг 24—25 ноябрида, яъни 1371 ҳижрий шамсий йилининг 3—4 озарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари таклифларига биноан расмий ташриф билан Эрон Ислом Жумҳуриятида бўлдилар.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари Эрон Ислом Жумҳурияти раҳбари, ҳазрат Оятуллоҳ Хомейни билан учрашдилар.

Сафар жараёнида икки давлат Президентлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитида дўстона музокаралар бўлиб ўтди ва томонлар Ўзбекистон ва Эрон муносабатларида янги босқич очиб берувчи қуйидаги муҳим ҳужжатларга имзо чекдилар:

1. Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида баённома.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Эрон Ислом Жумҳурияти Марказий банки ўртасида битим.

3. Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Жумҳурияти ўртасида иқтисод, саноат ва фан-техника соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Эрон Ислом Жумҳурияти ҳукумати ўртасида савдо-сотиқ ҳамкорлиги тўғрисида битим.

5. Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Жумҳурияти ўртасида транспорт воситасида юк ташиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Эрон Ислом Жумҳурияти ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида битим.

7. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги билан Эрон Ислом Жумҳурияти Почта, телеграф ва телефон вазирлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташриф давомида Теҳрон билан бир қаторда Исфаҳон шаҳрини ҳам зиёрат қилди. Ислом Каримов жаноби олийлари Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийларини Ўзбекистон Республикасига расман ташриф буюришга даъват қилди. Ушбу таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Ташриф вақти дипломатик йўллар орқали маълум қилинади.

Томонлар минтақа ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиб, қуйидаги келишувга келдилар:

Томонлар жаҳонда бўлаётган сўнгги ўзгаришларни назарда тутган ҳолда, Осиёда ва дунёнинг бошқа ерларида умумий хавфсизликни таъминлаш мақсадида турли давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг яқиндан ҳамкорлик қилишлари лозимлигини таъкидладилар.

Томонлар тинчликни таъминлашда ва жаҳонда мавжуд низоларни тугатишда халқаро ташкилотларнинг тутган мавқеи катталиги ва муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Томонлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг келажакдаги имкониятларини назарда тутган ҳолда, икки давлат гуллаб-яшнаши, уларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашда мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар.

Томонлар Афғонистонда бўлаётган воқеаларга алоҳида аҳамият бериб, унинг мустақиллиги ҳамда ҳудудий яҳлитлигини эътироф этган ва бу давлатнинг ички ишларига аралашмаган ҳолда, мамлакатда қисқа вақт ичида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш тарафдори эканликларини билдирдилар.

Томонлар Тожикистоннинг мустақиллиги ва ҳудудий яҳлитлигини ҳурмат этиб, унинг ички ишларига аралашмаган ҳолда тез орада у ерда қон тўкилишининг тугатилишидан манфаатдор эканликларини билдириб, Тожикистон республикасида тинчлик ва осойишталик ўрнатилади ва тинч бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилади деб умид билдирдилар.

УСТИВОР СОҲАЛАРГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида чет эл сармоясини жумҳуриятимиз иқтисодиётига жалб этиш инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда республика вазирликлари, идоралари, концерн ва уюшмаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. Мақсадимиз келгусида халқнинг турмуш даражасини ошириш экан, деди у, иқтисодий сиёсатни олиб боришда қайси тармоқларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини яхши билиб олишимиз зарур. Табиийки ҳамма тармоқларнинг бир йўла баб-баравар ривожланиши қийин. Бугунги вазият иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлат таъсирини сақлаб қолишни тақозо этади. Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш айниқса катта аҳамиятга эга. «Шок терапияси» бизга тўғри келмайди. У жиловни буткул қўйиб юбориш йўли билан қисқа муддатда бозор иқтисодиётига ўтиб олиш мумкинлигини кўзда тутади. Ваҳолонки, Буюк Британия, АҚШ сингари бозор иқтисодиёти тўла шаклланган давлатлар ҳам бунга узоқ муддатда эришган. Биз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тарафдоримиз.

Президент келаси йил режалари ҳақида гапирар экан, бюджет маблағлари ва чет эл сармоясининг асосий қисмини истиқболли соҳаларга сарфлаш зарурлигига эътиборни қаратди. Дастлаб фойдали соҳаларни ривожлантириш даркор. Баъзи бировлар ҳали ҳам эскича қолипдаги фикрлашдан нари ўтолмаяптилар. Давлат ҳимоясига умид қилиб, мустақил равишда бирон ишга қўл уролмаётган раҳбарлар йўқ эмас. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон Марказнинг йирик хом ашё манбаига айлантириб қўйилган эди, эндиликда бундай йўналишда ривожланиш мумкин эмас. Ўзбекистон Президенти алоҳида таъкидлаб айтдики, маҳсулотларимиз жаҳон бозорига чиқмас экан, чет эл буюмлари билан рақобат қила олмас экан, ишимиз олға силжимайди. Маълумки, бизда ер ости бойликлари, жумладан, қимматбаҳо ва рангли металлар, табиий газ, нефть ва бошқа қазилмалар оз эмас. Аммо Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоғи—қишлоқ хўжалиги бўлиб қолаверади. Биз келгусида ҳам айни шу тармоққа алоҳида эътибор берамиз. Бунда енгил саноатнинг асос тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Четга чиқариладиган буюмлар рўйхати тез фурсатда тузиб олиниши лозим. Ана шу йўллар билангина мақсадимизга эриша оламиз.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов, республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, республика Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ва Бош вазир ўринбосарлари қатнашдилар.

(ЎзА).

ХАЛҚ БАХТИГА ОМОН БЎЛИНГ!

Азиз ва муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Биз, 60—80-йилларда Андижон вилоятида турли партия, совет ва хўжалик органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, ҳозирги пайтда қарилик гаштини сураётган бир гуруҳ пенсионерлар, жонажон Ўзбекистон Республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин истиқлол йўлида дадил қадам ташлаб бораётганидан ва Президент сифатида Сиз амалга ошираётган жуда кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан илҳомланиб, ушбу мактубимиз орқали қувончимиз ва миннатдорчилигимизни изҳор этишга журъат этдик.

Аввало, шуни айтмоқчимизки, жамиятимиздаги ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишга муҳтож фуқароларнинг моддий аҳволини яхшилаш ва ҳозирги тақчиллик ҳукм сураётган, пул ўта қадрсизланиб кетаётган бир вазиятда имкон топиб уларни ҳаётий энг зарур буюмлар билан бир маромда таъминлаб туриш борасида қилаётган саъй-ҳаракатларингиз буюк шижоат ва саҳоватдир.

Бюджет ҳисобида турадиган ташкилотлардаги ходимлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқаларнинг ойлик маошлари, студентларнинг стипендиялари, қарияларнинг пенсиялари муттасил равишда ошириб борилаяпти.

Пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари бир неча марта оширилди. Бу эса қишлоқ аҳлининг ўз меҳнатидан бўладиган моддий манфаатдорлигини беқиёс кўпайтирди. Пахтачиликда бу йилгидек оғир об-ҳаво шароитида катта хирмоннинг қад кўтариши ана шу нархлар сиёсатининг шарофатидир.

Сиз она диёримизни жаҳонга танитаяпсиз. Дунёдаги маърифатли ва юқори даражада ривожланган кўпгина давлатлар юртимизга умидворлик билан қўл узатмоқдалар. Ўйлаймизки, республикамиз иқтисодиёти яқин келажакда ҳавас қилгудек даражада ривож топади.

Бизни қувонтирган яна бир муҳим нарса шуки, Сиз юртимиз отахони, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва маданиятининг равнақ топиши йўлида ўзининг ўттиз йилдан зиёд умрини аямасдан сарфлаган йирик сиёсий ва давлат арбоби, адиб Шароф Рашидовнинг табаррук номини оқлаб, ғоят мардлик қилдингиз. Бунинг учун инсондан катта журъат, шижоат, тантилик ва довюраклик талаб этилар эди.

Шароф ота таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан Тошкент ва Жиззах шаҳарларида ўтказилган тантаналар Сизнинг бу сиёсатингиз нақадар тўғри эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шароф Рашидович республикага раҳбарлик қилган даврларида биз райкомнинг биринчи котиби, райижроқўм раиси, совхоз директори каби вазифаларда ишлаганмиз.

Шу боисдан у киши билан кўп ҳамсуҳбат бўлганмиз, қилаётган ишларимиздан гапириб берганмиз, муаммоларимизни бемалол айтиб, ечимини кўрганмиз, қимматли маслаҳатларидан баҳра олганмиз.

Шароф ота вилоятимизга ҳар йили икки-уч марта келар, барча район ва кўпчилик колхоз, совхоз далаларида, чорвачилик фермаларида бўлар, фаолларни тўплаб, улар билан фикр алмашар эдилар. У киши қалби покиза, раҳмдил одам эди. Эски ишлаган кадрларни дарров суриштирар, улар бемор бўлса, бориб кўнглини кўтарар эди. Шароф отанинг бировни қасддан бурнини қонатганини эслай олмаймиз. Иложи бўлмай қолганда иш жойини алмаштириш йўли билан бўлса ҳам кадрларни сақлаб қолган, бошини силаган. Бу ҳақ гап.

Афсуски, Шароф Рашидович турли балолардан сақлаб қолган айрим мунофиқ кишилар вафотидан кейин у кишининг шаънига маломат тошларини отдилар. Сиз ўз маърузангизда уларнинг асл башараларини очиб ташлаб тўғри қилдингиз.

Биз Сизга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Юртимиз меҳнат аҳлининг бахтига кўп йиллар омон бўлинг. Асрлар мобайнида орзиқиб кутилган мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикамизда тинчлик ва осойишталикни барқарор этиш йўлидаги хатти-ҳаракатларингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз. Ҳамиша Сизга омад ёр бўлсин, иншоолоҳ!

Камоли эҳтиром билан:

Усмонжон МАНСУРОВ, Ҳамид ҚОДИРОВ, Фазлиддин ЖЎРАЕВ, Тавакалжон ТОПВОЛДИЕВ, Ҳатиф НОСИРОВ.

Андижон вилояти меҳнат фахрийлари.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Кўпчилик қатори мен ҳам Жиззахда бўлиб ўтган тантаналарни катта эътибор билан кузатдим. Президентимиз И. А. Каримовнинг мутқини қониқиш билан тингладим. Бугун биз Ш. Рашидов номини оқлар эканмиз, бу ишни бутун халқимиз номини поклашдек умум ишнинг камтарона, аммо узвий бир қисми деб қараш керак, деди Президентимиз ўз сўзида.

Ростини айтсам, жуда ўринли гаплар бу. У киши Ўзбекистонни жаҳонга танитиш, иқтисоди, маданиятини тиклаш, юксалтириш йўлида чорак аср мобайнида ҳормай-толмай иш олиб бордилар. Албатта, у кишининг юксак обрўйи, амалга оширган улуғвор ишлари кимларнидир ҳасадга мубтало этгани турган гап.

Мана вақт келди, адолат ўз ўрнини топди. Биз Президентимиз айтмоқчи, Ш. Рашидов номини оқлаш — бу миллатимизнинг оқланиши, деб биламиз. Ўз қадрини билмаган миллат ҳеч қачон обрўли бўлмайди, қадр топмайди. Шундай экан, энг аввало ўзлигимизни англайлик, қадриятларимизни эъзозлайлик.

А. АБДУШОҲИДОВ,
Сирдарё вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Сурхондарё вилоят фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими Ҳ. Бердиев шу ҳақда маъруза қилди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлиб қоладиган бу ҳужжатни маъқуллаб, унинг айрим қоидаларига тузатиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов иштирок этди.

(ЎзА).

● «Ўзбекистон овози»га жавоб келди

«ПОЧТА ИШИ» ЁКИ КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР»

1992 ЙИЛ, 19 НОЯБРЬ.

Наманган вилоятида ҳеч кимнинг назари тушмайдиган, шу пайтгача эътибордан четда бўлган «почта иши» юзасидан антиқа воқеа рўй берди, деб бошланган эди юқоридаги сарлавҳали фельетон. Унда вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонасининг матбуот тарқатиш ҳамда чакана савдо бўлимига уя қуриб олган нопок шахсларнинг қаллобликлари, ўзбўямачиликлари фош этилган, почта алоқаси ва матбуот тарқатиш соҳасида аҳолининг ҳақли эътирозлари кўпайиб бораётганлиги кўрсатилганди.

Ушбу фельетон юзасидан «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси М. НОСИРОВА имзоси билан жавоб хати олинди.

Фельетонда келтирилган маълумотларни янада чуқуррок текшириш, иллатларнинг келиб чиқиш сабабларини синчиклаб ўрганиш мақсадида Наманган вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонасига нуфузли мутахассислардан таркиб топган комиссия сафарбар қилинди.

Текшириш натижаси Концернинг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлисида кўриб чиқилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш чоралари белгиланади.

Маълумки, «Ўзбекистон почтаси» концерни шу йилнинг апрель ойидан бошлаб ўз фаолиятини бошлади. Концерн тузилишидан мақсад жумҳуриятда почта ва матбуот тарқатиш ишларини такомиллаштириш, корхоналарни малакали мутахассислар билан таъминлаш ва бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган мамлакатлардагидек, почта алоқаси соҳасини мустақилликка эриштириб, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашдир.

Афсуски, почта соҳаси доимо қийин молиявий шароитда бўлиб келган, соҳанинг хизмат кўрсатишдан олган даромади унинг харажатларини қоплай олмаган ва айниқса ҳозирги шароитда бу аҳвол янада оғирлашди.

Бу қийинчиликларни бартараф этиш бўйича Концернинг ўз режа ва тадбирлари бор, уларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, жумладан фельетонда кўрсатилган камчиликларга ҳам чек қўйилишига қаратилган.

Фельетонда қайд этилган маълумотлар фақат Наманган вилоятида текширилиб қолмасдан, балки жумҳуриятимизнинг барча почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхоналарида атрофлича ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади ва бу ҳақда муҳарририят хабардор қилинади.

Бош вазир қабулида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов Европа Тиклаш ва тараққиёт банки президенти Жак Атталини қабул қилди.

Бош вазир меҳмонга Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий аҳвол, республиканинг бой табиати, қазилма бойликлари ҳақида гапириб берди ва жаноб Ж. Аттали раҳбарлик қилаётган Европа Тиклаш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама фойдали ҳамкорликни йўлга қўйишда мазкур омиллар катта аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлади.

Ж. Аттали жаноблари ўзининг Ўзбекистон Республикасига ташрифидан кўзланган мақсад ҳам ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эканини билдирди. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. НОРҚОБИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил халол меҳнат қилгани, республика халқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» давлат хўжалиги директори М. Норқобилов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 ноябрь.

● ХДП ҳаётидан

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

● ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида партия раҳбарияти билан республика соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.

ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов республика етакчи сиёсий партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида гапириб, аҳоли соғлиғи масалалари билан шуғулланиш, халқ саломатлигини муҳофаза этиш партиямизнинг муҳим дастурий мақсадларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда сўзга чиққан республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, вазир муовини — Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қ. Ризаев, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи М. Бекнозова, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори А. Раҳимжонов, 1-Тошкент тиббий институти ректори Т. Даминов, Тошкент шаҳар тиббий тез ёрдам касалхонасининг бўлим бошлиғи М. Қосимова, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бошқармаси бошлиғи Р. Қосимов ва бошқалар Президентимиз И. А. Каримов ва Вазирлар Маҳкамаси соғлиқни сақлаш масалаларига эътибор бераётганликларини мамнуният билан эътироф этдилар.

Мулоқотда қатнашганларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ХДП фаолиятига, унинг халқимиз тинчлиги, юртимиз осойишталиги йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларига муносиб баҳо бердилар. Партия ташкилотларининг оммавий-сиёсий ишларини кучайтириш лозим, деган таклиф ўртага ташланди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган навбатдаги учрашув соғлиқни сақлаш тизими ишини яхшилаш, бунга республикамиздаги етакчи партия эътиборини кучайтириш нуқтаи назаридан фойдали бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК иккинчи котиби М. Қирғизбоев, котиб И. Кочмарик, Марказий тафтиш комиссиясининг раиси Ў. Турғунов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.



И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини ўқиб

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАРУРИЙ ОМИЛИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги республикалар сингари Ўзбекистон ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг мақбул йўлларини изламоқда. Ана шундай шароитда республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласининг чоп этилиши катта воқеа бўлди.

Мазмун жиҳатидан теран бўлган бу китобда собиқ СССР доирасида бўлган республикаларда ҳозир вужудга келган оғир аҳвол фикримча, жуда тўғри талқин этилган. Унда **«Бунинг устига илгари бир томонлама қарорларга кўра қабул қилинган қайта қуриш тажрибаси барбод бўлганлиги оқибатида иттифоқнинг барча собиқ республикалари узоқ иқтисодий инқирозга учради. Еппасига пулнинг қадрсизланиши, турмушнинг қимматлашуви, бир вақтлар ягона бўлган молия, пул, кредит тизимининг барбод бўлиши, таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузилиши Ўзбекистонни оғир аҳволга солиб қўйди»**, деб тўғри таъкидланади. Бу гапларга чуқур ўйлаб амалга оширилмаган қайта қуриш сиёсати туфайли собиқ мамлакат ва республика иқтисодиёти бутунлай издан чиқди, дея қўшимча қилиш ҳам мумкин. Ишлаб чиқарувчи кучларни тараққий эттириш ва моддий ноз-неъматларни ишлаб чиқариш даражаларини янада тезлаштириш зарур, деб олға сурилган ғоялар сароб бўлиб чиқди, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиш ўрнига олдинги даврларга нисбатан камайиб кетди. Аҳолининг озиқ-овқат, саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи билан, уларни қондириш орасидаги тафовут янада ортиб бормоқда. Натижада аҳолининг турмуш даражаси пасайиб, нархнаво кўтарилмоқда.

Аввал гапирилган озиқ-овқат дастури ўзини мутлақо оқламади. Ичкиликбозликка қарши ўйлаб чиқилган сиёсатнинг умри ҳам қисқа бўлди. Ошкоралик ва янги фикрлаш деб аталган ғоялар миллатлар орасида зиддиятлар келтириб чиқарди. Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Молдова, Тожикистон каби давлатлар бошига тушган фожиани чуқур ачиниш, афсус-надоматлар билан айтиш мумкин. Яна бир масала. Неча йиллар мобайнида республикалар, корхоналар орасида хом ашё, турли хил асбоб-анжомлар, темир, ғалла, тахта-ёғоч каби кўплаб маҳсулотлар айирбошлаш бўйича иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган эди. Афсуски, бундай алоқалар энди бузилиб кетди. Бу ҳол ишлаб чиқариш ва умуман республикалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта путур етказмоқда. Ҳозирги оғир аҳволдан қандай қилиб чиқиш мумкин? Рисолада бундай саволларга тўлақонли жавоб топилади.

Аввало шуни айтиш керакки, мустақилликка эришган Ўзбекистон эндиликда хоҳ катта, хоҳ кичик масала бўлсин марказга тобелик билан эмас, уни ўзи мустақил тарзда ҳал қилиш имкониятига эга бўлди. И. А. Каримовнинг **«Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу халқимизнинг кўп асрли тарихида буюк воқеадир. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилади»** деган фикрлари мутлақо адолатлидир.

Қўлга киритилган мустақилликни мустаҳкамлашга ҳамда аҳолининг бошидан кечираётган оғир қийинчиликларини бир оз бўлса-да енгиллаштиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Иш ҳақи бир неча марта оширилди. Аҳолининг кам таъминланган қисмига берилган имтиёзлар айниқса диққатга сазовордир. Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, республика Президенти ва ҳукумати кейинги вақтларда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш борасида анчагина ишларни қилдилар ва бу йўлни давом эттирмоқдалар. Республика аҳолисининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилаётганлигини ҳисобга олиб, Президент ўз ҳисобида бу масалага катта ўрин берган **«Республика қишлоқ хўжалиги**, дейилади рисолада, **аксарият ерларни суғоришга ва суғорма деҳқончиликка асосланади. Ўзининг сув имкониятлари жуда чекланган...»**. Демак, сув ва қишлоқ хўжалиги соҳасида иш олиб борадиган ташкилотлар сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, суғориш имкониятларини қайта қуриш, суғориш ишларида илғор усуллардан кенг фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишлари керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш ва меҳнатдан келадиган шахсий манфаатдорликни кучайтириш мақсадида, Президент чиқарган фармонга кўра, томорқа ерларини икки маротаба ошириш мўлжалланган. Бу мақсадлар учун пахта ва бошқа айрим қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига 300 минг гектар суғориладиган ер ажратилган ва деҳқонларга берилган. Кейинги йилларда 2,5 миллион оила биринчи марта ер участкалари олдилар ва ўз ер хўжаликларини кенгайтирдилар. Янгидан олинган бундай ерларнинг умумий майдони 550 минг гектардан ортиб кетди.

Амалга оширилган бу ишлар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Маълумки, ўзбек халқи қадим-қадимдан ўз томорқасида деҳқончилик қилишга одатланиб қолган. Бунинг исботи учун аҳоли ўз томорқаларида сабзавот, ҳўл мева, узум ва гўшт, сут маҳсулотининг 40 фоизига яқинини етиштиришни айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида, шаҳарликларга ер ажратилганлигини ҳам ҳисобга олсак, озиқ-овқат учун зарур бўладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яратилаётганлигининг шоҳиди бўламиз.

Давлат томонидан деҳқонлардан сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи ҳам кўпайтирилган. Қишлоқларда турар жой бинолари, маданий-маиший ва бошқа турли хил қурилишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлашни яхшилаш борасида ҳам талай ишлар қилинмоқда.

Рисолада **«Ўзбекистон республикасининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга»**, деб жуда тўғри айтилган. Дарҳақиқат, республика ер бағрида табиий газ, кўмир, турли хил рангли металлар мавжуд. Геологлар маълумотига қараганда, Ўзбекистон ана шу қазилмаларнинг заҳираси бўйича жаҳонда бешинчи ўринда туради. Ўзбекистонда мавжуд бўлган минерал хом ашёлар негизида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қатор корхоналар қуриш ва республиканинг халқ хўжалигини ривожлантириш мумкин бўлади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг асоси — саноат ва қишлоқ хўжалигидир. Республика саноати қишлоқ хўжалиги тармоқлари билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг устига саноатни ривожлантириш, индустрлаштириш халқ хўжалик комплексининг барча тармоқлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг зарурий омилидир. Олдимизда турган вазифа қаерда меҳнат қилаётганлигимиздан қатъи назар, ҳалол ва астойдил тер тўкиб ишлашдан иборат. Бир ёқадан бош чиқариш, жипслик билан ҳаракат қилиш, унумдорлик билан меҳнат қилиш туфайли ҳозирги оғир аҳволдан қутулиш мумкин.

Республика мустақилликка эришиши туфайли чет мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва уларни равнақ топтириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар вужудга келди. Бу эса халқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Амалий тажрибага эга бўлган иқтисодчи олим сифатида шуни айтамаки, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»да истиқлол вазифалари, уларни бажариш йўллари ва бу борада фан-техника ютуқлари, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларига суяниш зарурлиги, инсоннинг ҳаёт шароитлари ўзгарувчанлиги ҳисобга олиниши лозимлиги таъкидланган. Бу фикр-мулоҳазалар, кўрсатмалар фақат республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиё доирасидаги бошқа республикаларда ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиийдир.

С. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, академик.

ХЎЖАЛИКДА КОНСЕРВА ЗАВОДИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Қумқўрғон районидаги С. Бойматов номли жамоа хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга алоҳида эътибор берилаётир. Хўжаликнинг ўз консерва заводи ишга тушиши эндиликда деҳқонларга фақат хом ашё етиштирмасдан, уни тайёр маҳсулот ҳолида истеъмолчиларга сотиш имкониятини ҳам бермоқда.

Бу ерда мева-сабзавотдан шарбатлар, томатлар, қиём ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Дастлабки маҳсулот — 100 минг дона консерва вилоят савдо шахобчаларига жўнатилди.

Корхона омборхонасида қиш учун анор ва беҳидан саралаб ажратиб қўйилмоқда. Совуққа чидамайдиган маҳсулотлар эса қуритиб олиняпти. Хуллас, ҳар бир килограмм мева-сабзавот ҳосилини чиқитга чиқармасдан ишлатишга ҳаракат қилиняпти. Маҳсулотнинг бир қисми мол айирбошлаш усули билан четга юборилмоқда. Тез вақт ичида заводда вино ва пиво тайёрлаш цехларини ҳам ишга туширишга кўзда тутилмоқда.

СУРАТДА: корхона директори М. ЖУМАЕВ бош технолог Х. Назаров билан тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кечираётир.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзА).

ДУНЁ ОВОЗИ

ҲАМКОРЛИК ИЙЛИДА

● **Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида «Ўзбекистон Республикаси ва Тунис Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида»ги протокол имзоланди.**

Тунис Республикаси мустақил Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ўз ваколатхонасини очишга аҳд қилди. Бу жаҳон мамлакатлари орасида 61- ва Араб мағриби ўлкалари орасида биринчи давлатдир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ва Тунис республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат котиби, ҳукумат аъзоси Саид ибн Мустафо тарихий ҳужжатга қўл қўйишди. Бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга шубҳасиз йўл очади.

ЧЎЛЛАР БЎСТОНГА АЙЛАНАДИ

● **Туркманистон Президенти Сафармурод Ниёзов махсус қарор чиқарди. Унга мувофиқ республиканинг ҳар бир фуқароси йилига иккитадан ниҳол экиши керак.**

Туркманистоннинг 90 фоиз майдонини Қорақум чўллари ташкил этади. Яқин келажакда чўллар бўстонга айланади. Президент қарорининг амалга оширилиши бу мақсад йўлидаги эзгу қадамдир.

ҲАМКОРЛИК ДЕБОЧАСИ

● **Европа Тиклаш ва тараққиёт банкининг президенти Жак Аттали 27 ноябрь куни Тошкент шаҳрига келди.**

Қўпни кўрган сиёсатдон ва йирик молиячи мамлакатимиз раҳбарияти билан музокара олиб боради, ёш давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиши ва бозор иқтисодиётига ўтиш дастури билан танишади, Ўрта Осиё минтақасидаги сиёсий-иқтисодий вазият ҳамда Ўзбекистоннинг Европа Ҳамжамияти билан алоқалари хусусида фикрлашиб олади.

ПРЕЗИДЕНТ ХИТОЙГА БОРАДИ

● **Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев Хитойда расмий сафарда бўлди.**

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири бу мамлакатда Хитой ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь билан музокаралар ўтказди. Музокарадан сўнг Россия Президенти Борис Ельцин 17—19 декабрь кунлари Хитойга расмий сафар билан бориши маълум бўлди.

МАШҲУР САНЪАТКОР ЭЪТИРОФИ

● **Италиялик машҳур кино артисти София Лорен Сомолида бўлди.**

Лорен бу ерга Африкадаги фуқаролар уруши тўхтамаётган ва очарчилик қутурган бу мамлакатга қочоқлар иши юзасидан БМТ комиссари олий бошқармасининг ихтиёрий элчиси сифатида келди.

Италия радиоси мухбири билан суҳбатда кино юлдузи «Одамларнинг бундай азоб чекишини ҳеч қачон кўрмаган эдим. Даҳшатли манзараларни ҳеч қачон унута олмасам керак», деди.

ЙЎЛЛАРНИ ҚОР БОСИБ ҚОЛДИ

● **Американинг жанубий штатларида мусибат юз берди. Баланд тоғларда ёққан кучли қорни изғирин шамол улкан текисликлар томон учириб келди.**

Йўл ва далаларни, аҳоли яшайдиган жойларни қор босиб қолди. Ер музлагани сабабли Техас йўлида икки автомобилчи ҳалокатга учради. Автомобиллар қатнайдиган катта йўлларда эса катта хавф туғилди. Бу эса почта хизмати тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Колорадо штатида мактаблар ёпилди.

РАДИАЦИЯ ХАВФИ ЙЎҚ

Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг гапларига қараганда, уч йил аввал «Комсомолец» сув ости кемаси чўкиб кетган Норвегия денгизида радиация хавфи йўқ.

Норвегия чўкиб кетган сув ости кемаси атроф-муҳитга салбий таъсир қилади, деган фикрни нотўғри деб ҳисоблайди. Ташқи сиёсат маҳкамаси вакиллари билан атом энергияси давлат назорати мутахассислари йиғилишида ана шундай гаплар айтилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлар асосида тайёрланди).

• ХДП ҳаётидан

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Қарши. Бу ерда Қашқадарё вилоят партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ва вилоят партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Қарши шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби М. Туробов, Қарши район ҳокими Р. Жалилов, Қамаши районидаги «Наврўз» совхозининг ишчиси М. Эгамбердиева, Қарши давлат университетининг проректори А. Эркаев, вилоят ёшлари иттифоқи қўмитаси котиби С. Қурбонов ва бошқалар Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси юзасидан қимматли фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Пленум кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

АҲИЛЛИК МЕВАСИ

Қишлоқ хўжалик корхонасидаги партия ташкилотининг вазифаси нима? Биз давлат хўжалигимиздаги ХДП бошланғич ташкилотининг дастлабки йиғилишидаёқ унинг бош вазифаси аҳолининг турмуш даражасини ошириш, бозор иқтисодиёти шароитларида сердаромад, иқтисодий барқарорлик, кўрсаткичлари юқори хўжаликни барпо қилишдир, дея келишиб олган эдик.

Бошланғич партия ташкилоти атрофига жиплашган 350 нафар ХДП аъзолари эрта баҳорданоқ ана шу мақсад йўлида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириб юборишди. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида бир неча марта ғўза парваришининг долзарб масалалари кўриб чиқилиб тегишли тадбирлар белгиланди. Далаларимизда мўл ҳосил етиштирилди. Терим мавсумини уюшқоқлик билан ўз вақтида ўтказишда ҳам хўжаликдаги ХДП аъзолари ҳал қилувчи роль ўйнадилар десам муболаға бўлмайди. Хўжалик директори, ХДП аъзоси М. Собиров партия ташкилоти билан доимо маслаҳатлашиб ўзаро келишилган ҳолда иш юритади. Бу эса муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Хўжалигимиз ноябрнинг дастлабки кунларидаёқ давлатга пахта сотиш режасини ортиғи билан якунлаб қўйган эди. Ҳозиргача қабул пунктларига 2826 гектар пахта майдонидан режадаги 8815 тонна ўрнига қарийб 10 минг тонна юқори сифатли пахта топширилди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги ўртача 35 центнерга етказилди. ХДП аъзоси Мадаминжон Насриддинов бошқараётган «Пахтаобод» бўлими йиллик режани районда биринчи бўлиб бажарди. Бу бўлимда ҳосилдорлик 38 центнерга етиб қолди.

Хўжалик хирмонини бунёд этишда ХДП аъзолари бўлган Ғулом Сотиболдиев, Абдусаттор Ёқубжонов, Одилжон Отажонов, Шаробиддин Тўхтақулов, Қўчқор Ғойибов сингари тажрибали пахтакорлар бош бўлган бригадалар, айниқса катта ҳисса қўшишди. Бу бригадаларда ҳосилдорлик қарийб 40 центнерни ташкил этди.

Пахта топшириш режаси бажарилгандан сўнг ХДП бошланғич ташкилотида кенгайтирилган йиғилиш ўтказдик. Ўзбекистонимизнинг энг катта бойлиги бўлган пахта мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун боғоят зарур эканлиги таъкидланди.

МЎМИНЖОН РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Фурқат районидаги Фурқат номли давлат хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти котиби.

• Чўлқуварлар ҳақида ҳикоялар

БОЁВУТДА ШУНДАЙ ОДАМ БОР

Уни Шойим ака дейишади. Меҳнатсеварликни Аслоновдан ўрганиш керак, деб қўшиб қўйишади. Дарвоқе миннатсиз меҳнат унинг ҳаёт тарзига айланган. «Камтарга камол», дейди халқимиз. Шойим Аслонов бу мақол моҳияти ҳақида сўзларкан: «Камтар кишилар шовқин-суронсиз, камсуқумлик билан тер тўкаверадилар. Саъй-ҳаракатлари натижасида хайрли ва савобли эканини яхши биладилар», деган фикрни билдирди.

Интилиш, орзу ва меҳнат уйғунлиги умидбахшдир. Шойим ака 1931 йили собиқ Бухоро районидан «1-Боёвут» давлат хўжалигининг 8-бўлимига, ҳозирги «1-Май» давлат хўжалигининг 3-бўлимига кўчиб келганида шундай кайфиятда эди. Отаси далага ишора қилиб: «Бу кенглик баҳс майдони эмас. Меҳнат ва шижоат кўрсатиш майдонидир» деган эди. Унинг ёшлиги енгилнинг остига, оғирнинг устига қурилмади. Қўёшни кифтига, сувни кафтига олиб, пахта ўстирди. Бу иш қамишзор чивинлари кўзни очирмайдиган ерларда амалга оширилганлигидан матонат талаб этди. Чунки чўлни обод этиш ҳамиртдан қил суғиргандай осонмаслигини Шойим Аслонов яхши ҳис этарди. Урушдан олдинги ўша машаққатли йилларда далага чиққанларга 600 граммдан қора нон берилар, шу насиба учун культивация қўшилган от кун бўйи етакланарди.

«Моҳир сувчи» номини олган йили кутилмаганда армиянинг 142-полкида рўй берганди. Қўли тузалиб яна жангга отланди. У ҳар қанча жасорат кўрсатишга тайёр эди.

Украина, Белоруссия ерлари учун жанг қилди. Жангларда Шойим Аслонов ўн етти марта яраланди. Брест яқинидаги шифохонада даволанди. 1944 йил ноябрь ойида иккинчи гуруҳ ногирони сифатида қишлоғига қайтди. Шундан сўнг у бўлимда сувчилик қилди. Сал ўтгач бўлим пахта пунктига таклиф этилди ва шу йилиёқ пунктга мудирлик қила бошлади. Ўз бахтини Турсуной тақдири билан боғлади.

— Фарзанд умр боғининг меваси, — дейди Шойим Аслонов. — Ўнта бўлса ўрни бошқа, дегандай фарзанд отанинг қалбидаги унсиз севинч қўшиғи, кўз нури, бел қувватидир. Одобини кўрганлар эса палаги тоза экан, дейишади.

Шойим ака фарзандларидан мамнун ота эканлиги қишлоқ аҳлига аён. Катта ўғли Алимжон Аслонов иқтисодчи. Муҳиддин ўрта мактабда ёшларга француз тилидан сабоқ беради. Орифжон «1-Май» давлат хўжалигида қурилиш бўлимининг бошлиғи. Қизлари Хосиятхон, Ҳуснияхон, Шарифахон, Ҳалимахон, Дилоромхонлар ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиб олганлар. Айниқса, Шойим ота келини Норхол Аслоновадан мамнун эканлигини алоҳида таъкидлайди: «Қайноқ чойни шу келиним қўлидан ичаман, бўрсилдоқ нон ёпиб беради. Дуо қилганим-қилган».

74 баҳорни қаршилаган Шойим отанинг 30 нафар невараси бор. Уларнинг кўзларидаги тиниқлик, беғуборлик ота дилига қувват. Шойим ота гидротехникликдан боғбонликка ўтганлар. 10 гектар боғ бунёд этдилар. Гектаридан 70 тоннадан узум етиштирилди. Ота бир ривоятни айтиб юрадилар: эмишки бир нуроний чўлдаги бир танишининкига меҳмонга бориб, қўлидаги толдан қилинган ҳассасини тандир ёнидаги тупроққа санчиб, уйга кирибди. Қайтишда эса олишни унутибди. Келаси йили ана шу хонадонга борса, ўша хасса тандир ёнида барг ёзиб, кўкариб турганмиш. Қиссадан ҳисса шуки, экканнинг кам бўлмайди.

Шойим отанинг энг яхши кўрган сўзлари: меҳнат қилиш, боғ яратиш, ҳалол яшаш. Ёмон кўрганлари: ёлғонлик, ҳаром-ҳаришга бефарқ қарашлик.

Бир умр ҳалол яшаган, урушда минг ажални доғда қолдирган. ХДП аъзоси, иккинчи гуруҳ ногирони, меҳнат фахрийси Шойим Аслонов ҳали ҳам ғайрат ва шижоатли.

Ҳамроқул РИЗО,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

СТАНОКСОЗЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

● **Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли машинасозлик заводида энг қудратли станоклар ишлаб чиқарилади.**

Завод станоксозлик бўйича нафақат республика, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида ҳам етакчи ўринда туради. Шу боис яқинда заводга МДҲ мамлакатларининг йирик саноат корхоналаридан кўплаб тажрибали станоксоз олимлар, таниқли лойиҳаловчи муҳандислар, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг вакиллари келишиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Заводдаги станокларни йиғиш жараёнлари билан танишдилар. Икки кун давом этган кўргазмали кенгашда ва тажриба алмашишда кўплаб ихтирочилик таклифлари ўртага ташланди. Айниқса, иқтисодий танглик даврида ишлаб чиқарилаётган станокларни янада такомиллаштириш, уларнинг харид нархларини бирмунча арзонлаштириш борасида ҳам фикрлар алмашилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Бу йил фарғоналик пахтакорлар мўл ҳосил етиштирдилар. Йиллик режа ошириб уддаланди. Вилоятнинг катта муваффақиятига Бешариқ районидаги «Рапқон» жамоа хўжалиги азамат деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар Фарғонада биринчи бўлиб пахта топшириш йиллик режасини бажаришди. Давлат хирмонига 3500 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди.

Ҳозир хўжалик далаларида йиғим-терим давом этмоқда. Теримчилар ҳар 10 кунда рағбатлантириб борилмоқда. Бу ерда ташкил этилган меҳнат беллашуви ҳам анча самара беряпти. Абдусами Рустамов, Насриддин Ғойибов ва Эркин Бошмонов бошлиқ бригада аъзолари пешқадамлик қилишяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. «Рапқон» жамоа хўжалиги раиси С. Пўлатов. 2. Ҳосил тележкаларга ортилмоқда. 3. Илғор теримчи Т. Пўлатова. 4. Олия Ҳайитова ва Озода Маматалиеваларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда 6 тоннадан пахта теришди. 5. Неча килограмм чиқаркин?

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

ИЛМИЙ ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Шу кунларда Тошкент шаҳрида Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси, Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти ва Ўзбекистон ҳуқуқшунослар уюшмаси томонидан чақирилган халқаро анжуман иш олиб боряпти.

Анжуманда АҚШ, Франция, Олмония, Туркия, Афғонистон ва МДҲ аъзоларидан юрист, снёсатчи олимлар қатнашмоқдалар. Унда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо қилишнинг муаммолари, бозор, мулк ва ҳуқуқ, Ўзбекистон Республикаси янги Конституция лойиҳасининг ўзига хос хусусиятлари, МДҲ аъзолари Конституция лойиҳалари тўғрисида, қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабати, ҳуқуқий давлат қадриятлари тизимида Конституция, Ўзбекистон Конституцион қурилиш ва унинг қўшни мамлакатлар учун аҳамияти, Ўзбекистонда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот муаммолари, Конституция ва халқаро ҳуқуқ, Ўзбекистоннинг Туркия билан халқаро алоқалари каби мавзуларда маърузалар тингланади. Анжуман якунида Ўзбекистон Конституция комиссияси учун таклифлар ишлаб чиқилади.

У. СОДИҚОВ,
юридик фанлари номзоди.

• Янгиликлар

ЯПОНИЯДАН ОДАМИЙЛИК ЁРДАМИ

Нукусга Японнядан одамийлик ёрдами тарзида жўнатилган қимматли юк келди. Бу дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган шприцлар ва бошқа материаллардан иборат.

Қорақалпоғистондаги кўпгина шифохоналарда худди шундай материаллар етишмаяпти.

Одамийлик ёрдами 30 та муассасага — туғруқхоналарга, болалар шифохоналарига, ногиронлар уйларига берилди.

Тижорат бозори

Термиз шаҳридаги колхоз бозорларидан бири қайта қурилгач, унинг номи ҳам ўзгарди. Энди у тижорат бозори, деб юритилмоқда.

Бозордаги савдо жойларини шаҳар саноат моллари савдоси, хўжалик моллари савдоси идоралари, «Кийим-кечак» акционерлик жамияти, бошқа савдо ташкилотлари, шунингдек хусусий кишилар ижарага олдилар.

Бундай янгилик сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам маъқул бўлмоқда. Айниқса Тижорат бозори якшанба кунлари ёйма савдо ташкил этилганда гавжум бўлмоқда.

(ЎзА).

Душанба, 30. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қувноқ сайр». Фильм-концерт.
8.00 «Қора шаҳзода». Бадиий фильм.
9.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 1—2-серия.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой»га хат келди».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қизил Ярмой шуъласи».
19.50 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номли Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Дала ҳовли эгалари учун».
20.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.05 «Билиб қўйган яхши».
21.20 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.35 «Лаҳза». Хабарлар.
21.45 «Мени ўлди десалар ишонма». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
5.55, — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кўринг, тингланг...».
9.40 «Марианнани қўмсаб». Телефильм.
10.30 «Геонлар воҳиби». Мультфильм.
10.45 Ўзбекистон тароналари ва оҳанглари.
11.10 «Янги авлод танлайди».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Брэйн ринг».
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Кидди-Видди».
17.20 «Олис, олисда, Чад кўли ортида». Ҳужжатли фильм.
17.30 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Технодром».
18.35 «Иқболи кулганда».
19.15 «Сиёсат» студияси намойиш этади. «Яшаш ҳуқуқи».
19.45 «Ҳочни бекор қилиш». Телефильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал премьераси. 9-серия.

«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бироқ».
22.20 «Таржимаи ҳол».
22.35 «Вазият».
23.00 «Қинғир-қийшиқ эфир».
23.15 «Қаранг-чи, ким кетди!».
23.50 «Ошкоралик хонаси».
00.35 «Мегамикс».
00.55 «Оба-На». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Монстр». Ҳужжатли телесериал (Россия—АҚШ). 6-фильм — «Сўнгги империя».
9.40 Параллеллар. «Фермерлик ҳаракати». Шу куннинг муаммолари.
9.55 «Бола тилидан».
10.25 «ХХ аср кадрда ва кадр ортида».
11.25 Кундузги сеанс. «Қотиллик вақти». Бадиий фильм (АҚШ).
13.15 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.50 «Кузирхоним».
16.20 Янгиликлар.
16.35 Трансросэфир. «Кавказ-ревю».
17.20 «Жаноблар-ўртоқлар».
17.35 «Репортёр».
17.45 Криминал хабарлар экрани.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Душанба куни детектив. «Кукарача». Бадиий фильм.

*
19.50—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Сешанба, 1. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қўқон». Телефильм.
7.45 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 А. П. Чехов. «Илтимос». Теленовелла.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 3-серия.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни изламиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Тановар» миллий рақс ансамбли ижросида «Нодира» спектакли.
20.00 Бутунжаҳон СПИДга қарши кураш куни.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Камер оркестрининг концерти.
19.10 «Устахона».
19.55 «Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳақида».
20.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
5.55, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси (Франция). 1-серия.
10.20 Футбол шарҳи.
10.50 «Қизил гул». Мультфильм.
11.30 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал. 9-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.25 «Телеграмма». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.55 «Аёлларни асранг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Ён дафтар».
15.45 Рус мусиқаси саҳифалари.
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.50 «Шумак манбалари». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Футбол шарҳи.
19.00 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 1-серия (Франция).
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Таваккал гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Свердловск киностудияси ҳамда «Овросиё» уюшмаси «Союзтелефильм» буюртмасига биноан суратга олган).
22.30 «Жамоатчилик фикри».
23.30 «Ҳарбий ревю».
24.00 Янгиликлар.
00.40 А.Скрябин. 3-симфония — «Илоҳий поэма».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Оқ қарға».
10.05 Кундузги сеанс. «Тор нўча». Бадиий фильм.
11.30 «ТИНКО» Савдо уйи.
11.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.55 Россия Федерацияси халқ депутатлари иккинчи съездининг очилиши.
* * *
15.45 «Телебиржа».
16.15 «Рост» студияси. «Сеҳрли чироқ ёнида».
16.45 Янгиликлар.
17.00 Трансросэфир. «Ҳамжиҳатликни танлаймиз».
17.45 «Ихтилоф бўлмайди».

*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Могиканлар». Лев Додин.
23.10 «Хушмуомала бўлайлик». Режиссёр Николай Акимов.

Чоршанба, 2. XII

2 ДЕКАБРЬ

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Доира оҳанглари». Фильм-концерт.
7.55 «Аждаҳо ови». Бадиий фильм.
9.30 Турк тили.
10.00 «У «Гиря»ни севарди». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Кимёвий реакциянинг тезлиги. Катализ.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Деҳқон хўтикча». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Саноатимиз одимлари».
19.40 «Кино, кино, кино».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-серия.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Спринт.
19.40 «Эфирда бевосита мулоқот».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.40 «02» тўлқинида».
21.55 «Нур ва соя». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
11.00 «Ақлли кучукча Соня», «Комар Комарович ҳақида эртак», «Типратикан қандай қилиб терисини ўзгартирди!». Мультфильмлар.
11.30 «Россиядан мактублар». Телефильм премьераси (Вятка).
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.25 «Кўзингни юмгин». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси (Хитой).
13.55 «Аёлларни асранг». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Қизлар орасидаги сир».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Ҳудуд».
19.00 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.05 Театр учрашувлари.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Таваккал гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
22.30 «Қора қути».
23.00 «М. Магомаев ҳузурида меҳмонда».
23.45 «Итоаткор шогирд». Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Талаб қилинган кино».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.20 Эълонлар.
8.55 «Асил ҳолича».
9.50 «Йўлнинг 20 йили». Ҳужжатли фильм.
10.45 «Параллеллар».
11.00 «Хушмуомала бўлайлик» Режиссёр Николай Акимов.
11.30 «Ишдан бўш пайтингизда».
11.45 Кундузги сеанс. «Профессор Доуэль васияти». Бадиий фильм.
13.20 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.35 Бизнес: янги номлар.
15.50 «Биринчи тайм».
16.05 «Бадабоқи». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.25 Янгиликлар.
16.40 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.25 Христианлар учун кўрсатув.
17.55 Эълонлар.

*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Сатирикон» студияси.
22.55 Спорт кўрсатуви.
23.00 Россия Федерацияси халқ депутатлари иккинчи съездининг иши ҳақида ҳисобот.

Пайшанба, 3. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ортиқ Отажонов куйлайди». Фильм-концерт.
7.55 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия.
9.05 Араб тили.
9.35 Болалар учун. «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ғафур Ғулом қиссалари.
11.00 «Зоолог ингоҳи билан», «Есенсой соҳилидаги саҳроларда». Телефильмлар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 1—2-сериялар.
18.30 «Жамоат ташкилотларида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Регистоним». Телефильм.
19.30 «Илҳом». Фарғона вилояти ижодкор ёшлари ҳақида.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Барҳаёт наволар». Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Муқаддима». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Бумеранг». Экологик кундалик.
19.40 «Шарқ лирикаси». Жомий.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
10.25 Г. Беседина куйлайди.
10.40 Мультфильмлар: «Ўйинчоқлар сири», «Рангли сут».
11.00 «Истеъдодлар ва мухлислар».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.25 «Кулол дастгоҳи». Телевизион бадиий фильм.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 А. Шнитке. Қадимий услубда ёзилган сюита. «Виртуози Москви» камер-оркестри ижро этади.
17.20 «Меҳр-шафқат ҳуқуқи». Ногиронлар Халқаро куни-га.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.05 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
20.05 Букер адабий мукофоти Россияда.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Таваккал гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.30 А. Эйзен қадимий рус романсларини куйлайди.
22.50 «Максима».
23.15 И. Брамс. 3-симфония.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Труба» радиоси.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Монстр». Ҳужжатли телесериал (Россия—АҚШ). 7-фильм — «Иосиф Сталиннинг шахсий ҳаёти».
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Оила даврасида».
10.00 «К-2» таништиради: «Абзац».
10.30 «Жентльмен-шоу».
11.00 «Нота бене» студияси. «Кутиш зали».
11.55 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 106 ва 107-сериялар.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.30 «Ноу-хау».
16.00 «Рост» студияси. «Айболит-92». 1-қисм.
16.30 Янгиликлар.
16.45 Трансросэфир. «Европа—Осиё».
17.30 Кипрас Мажейка, НАТОдан репортажлар.

*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 Санкт-Петербург балети. А. Дворжак. «Сўлғин барглар».
23.20 Россия Федерацияси халқ депутатлари иккинчи съезди-нинг иши ҳақида ҳисобот.
00.25 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

Жума, 4. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
7.55 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-серия.
9.15 Инглиз тили.
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.25 «Арвона—туркманчасига тўй». Телефильм.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильмлар. 3—4-сериялар.
18.35 Болалар учун. «Ёрилтош».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Яхшидан боғ қолади».
19.40 «Мерос». Мақом тарихидан.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ижод саҳифалари». Ҳабиб Саъдулла.
21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.15 «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.05 Мультфильм.
18.15 «Байкам, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт» телеканали.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата журт» телеканалининг давоми.
19.50 «Конституция — жашоо мийзами».
20.50 «Токмак сталинити».
21.20 «Ата журт» (давоми).

● «ОРБИТА IV»
5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.00 Тула Давлат хорининг концерти.
10.20 Мультфильмлар; «Репетиция», «Ажойиб дори».
10.40 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.30 «Америка М. Таратута билан».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Дугонажоним менинг». Телевизион бадиий фильм.
13.35 «Норозилик билдириб...». Телевизион бадиий фильм.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бриджи».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Ф. Вакс-ман. Скрипка ва фортепиано учун ёзилган фантазия.
17.10 «Марказ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.20 «Америка М. Таратута билан».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Монсо водийси мурдалари». Бадиий фильм премьераси. «Хусусий детектив Нестор Бурманнинг саргузаштлари» сериалидан (Франция).
22.55 И. Гайди. Труба ва оркестр учун концерт.

«ВИД» таништиради:
23.10 «Сиёсий бюро».
23.40 «Музобоз».
01.00 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
01.15 «Юлдузли ёмғир». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 «Ишбилармон кишилар даври».
8.55 ХХ аср кадрда ва кадр ортида. «ХХ аср». Ҳужжатли фильм.
9.55 «Тилла шпора».
10.25 Россия қобусномаси. «Антон Чеховнинг ёзги таътиллари».
11.25 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 108-серия.
12.15 «Ишдан бўш пайтингизда».
12.30 Кипрас Мажейка, НАТОдан репортажлар.
13.00 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.25 «Телебиржа».
15.55 «Рост» студияси. «Айболит-92». 2-қисм.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Мен барибир ишонаман...».
17.10 «М-трест».
17.25 «Чашмалар».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Жума кунлари Уолт Дисней. «Чипс—ҳарбийлар ити». Бадиий фильм. 1-серия.

*
19.20—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «К-2» кинозали. «Бир бор ёлғон сўзлаб». Бадиий фильм.

*
24.00—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 5. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
9.25 «Ўзбекистон спорти».
10.25 А. Н. Островский. «Ҳар тўқисда бир айб». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.25 «Оналар мактаби».
12.55 «Кино санъати усталари». Суйменқул Чокмаров.
14.00 «Тадбиркорлар ҳузурида».
14.25 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
14.55 Тижорат канали. «Лахор» қўшма корхонаси.
* * *
18.00 «Бўзсувнинг кузги жилолари». Телефильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мультипанорама».
20.00 «Рақслар гулдастаси».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Манчжурия услуби». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
7.00—14.00
* * *
17.00—23.30

● «ОРБИТА IV»
6.40, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» —кичкинтойларга».
9.25 «Бумеранг».
9.55 «Шанба кунги дастхат».
10.25 «Тиббиёт сиз учун».
11.05 «Технодром».
11.45 «Китобхона».
11.55 «Иш».
12.25 «Сиздан илтимос, жаноб Юдин...». Телефильм премьераси.
13.10 Мини футбол бўйича жаҳон чемпионати. Финал. Гонконгдан кўрсатилади.
13.20 «Сиёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 3-кўрсатув.
14.50 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Марказий экспресс».
16.00 «Дракулито-вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
16.20 «Ҳайвонот оламида».
17.00 «АБВГД ЛТД» телесериали. 7-серия.
17.30 «Қизил квадрат».
18.10 «Бахтли тасодиф».
19.00 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Плюмбум ёки хавфли ўйин».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Катта сайил».
22.20 «Шанба—шанбада». Композитор О. Квашанинг ижодий кечаси.
23.30 Катталар учун мультфильмлар.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Парадиз-коктейль».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Миллий баснетбол уюшмасининг баснетбол шарҳи.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Михалич». В. М. Бобров таваллудининг 70 йиллигига.
9.30 «03» кўрсатуви.
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 «Ташвишли даврнинг хроникаси». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.

*
12.40—16.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
*
16.30 «Дораэмон». Мультфильм премьераси (Япония). 13-серия.
16.45 Чегарасиз футбол.
17.40 Мульти-пульти.
17.50 Спорт кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.

*
18.20—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.25 «Шляпали аёл». Бадиий фильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*
22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Якшанба, 6. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Муқимий лирикаси».
7.40 «Ўлмас мерос». Телефильм.
*
8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Менинг дадам капитан». Бадиий фильм.
9.45 «Ёш полвонлар мактаби».
10.05 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.05 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
11.35 «Зарипов чавандозлари». Цирк томошалари.
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
13.05 «Мурувват».
13.35 «Марду майдон». Бизнес-шоу. Самарқанд.
14.50 Тижорат канали. «Тонгларинг мусаффо бўлсин».
* * *
18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Улмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Теленовелла.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси олдидан.
21.40 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Наманган вилояти.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.05—12.00 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Оспурум»; «Тиғиз пайт»; бадиий фильм; мультфильм.
* * *
18.05 Мультфильм.
18.25 Тижорат канали. Телетомошабиларнинг талабларига биноан концерт (қирғиз тилида).
18.55 Катталар учун мультфильм.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 7-серия (рус тилида).
20.25 В. Шекспир. «Қирол Лир». М. Рисқулов номидаги Норин мусиқий драма театрининг спектакли.

● «ОРБИТА IV»
6.20, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 Қалмиқ Давлат «Ойрати» рақс ансамблининг концерти.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. Бельгиядан кўрсатилади.
9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
10.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
10.30 «Тонг юлдузи».
11.20 «Сиз бунга қодирсиз».
12.00 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли бадиий телефильм премьераси.
12.25 «Хит-топ-шоу 50х50».

«КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
13.25 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.35 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.25 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 8-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.10 «Ҳунарли хор бўлмас».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори Надежда Кригина куйлайди.
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Қойилмақом еттовлон». Якшанба кинокўрсатувлари
20.00 «Кумуш яримой». Ашгабат халқаро кинофестивали.
20.15 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Троцкийнинг ўлими». Бадиий фильм (Франция, Италия, Буюк Британия, 1971 й.).
*
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Нимаі Қаердаі Қачоні».
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Хит-топ-шоу 50х50».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 «Таҳиқланган қўшиқлар». Ҳужжатли фильм.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
9.30 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 «Қироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм 15-серия.
11.00 «Ати-бати...».
11.30 «Хоҳ ишонинг...».
12.00 «Ташвишли даврнинг хроникаси». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 3 ва 4-сериялар.
13.20 Мульти-пульти.
*
13.40—17.10
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
17.10 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништиради: «Сариқ сувости кемаси» клуби.
17.50 Спорт кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.

Диққат:

«МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Истиқлол туфайли миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланиб, турмушимизга қуёш нури сингари сингиб бораётгани ғоятда қувонарлидир. Айниқса, энг яхши урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қанот ёйиб, маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бунинг ёрқин далили. Чиндан ҳам маҳалла — Ватан остонаси. Маҳалла фуқаролари ўртасида иноқлик ва тотувликни таъминлаш ғоят муҳимдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УНГА МАБЛАҒ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНИНИ ЖУМҲУРИЯТИМИЗ АҲОЛИСИ ЗЎР ҚУВОНЧ БИЛАН КУТИБ ОЛДИ.

«Маҳалла» хайрия жамғармасига Президент Фармонига кўра Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 25 миллион сўм пул ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги жамғармага 5 миллион сўм ва битта енгил автомашина туҳфа этди. Ҳамза район ҳокимияти жамғармага 500 минг сўм пул ажратиб, ибрат кўрсатди.

Пойтахтдаги энг йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари хайрли ишга муносиб улуш қўшмоқдалар. «Средазгазпром» саноат бирлашмаси жамғармага бир миллион сўм, «Ташинтерм» қўшма корхонаси ва «Монолит» кичик корхонаси жамоасининг ҳар бири 500 минг сўмдан кўп пул ўтказди.

● **ҲОЗИР ЖАМҒАРМАГА ТУШГАН МАБЛАҒ 35 МИЛЛИОН СЎМГА ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛДИ.**

«Ўзбекистон овози» рўзномаси ўз саҳифаларида Президент фармонларининг бажарилиши, республикамиз маҳаллалари ҳаётини ёритишга катта эътибор бермоқда. Отахон рўзнома қаламкашларининг бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига кўмаклашиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда янги газета чиқаришга қарор қилганлиги Сиз, азиз муштарийларга маълум. Бунда азиз муштарийлар сизлар билан, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари билан кенгашиб иш тутиш ниятимиз бор. Туғилажак газетанинг номи қандай бўлиши ҳақидаги таклиф ва истакларингизни ҳаяжон ила кутаяпмиз. Шуни алоҳида эслатиб ўтамиз: энг яхши таклифлар рағбатлантирилади.

Халқимиз саховатпеша, у ҳамиша хайрли ишларга «лаббай» деб жавоб бериб келган. «Маҳалла» хайрия жамғармасига ҳисса қўшиш ҳам бундан истисно эмас, албатта.

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

● **Ўзбекистон Давлат Марказий банкининг Тошкент шаҳар бошқармаси операция бўлимининг 000700126 рақамли ҳисоб счёти.**
Банк коди: 172682116.

• Қутлов

УМР МАЗМУНИ

Инсон ҳаёти оқар сувга қиёс этилади. Елдирим вақт шунчалик тез учадики, у билан бирга бебаҳо бойлик инсонга берилган умр ҳам ўтиб кетганлигини сезмай қоласан, киши. Заҳматкаш журналист, «ойнаи жаҳон» орқали тез-тез ўзига муносиб дастурда кўриниб турадиган ҳокисор инсон Сулаймон Бухарбоев умр саҳифасининг эллик йилини кўришга мушарраф бўлди. Иш фаолиятини муҳаррирликдан бошлаган ёш йигит маҳорати, малакасини ошира бориб, тажрибали етук тележурналист бўлиб етишгач, «Дўстлик» таҳририятининг бўлим бошлиғи бўлди.

Сулаймон ака ўзининг ижодий фаолияти давомида ҳамиша одамлар орасида бўлиб, халқ хўжалигининг ҳар бир жабҳасида деҳқону ишчи, турли касб эгаларининг машаққатли меҳнатлари, турмушларидаги қувонч ва ташвишлари ҳақида чиройли туркум кўрсатувлар тайёрлаб келди.

С. Бухарбоев қозоқ фарзанди асосан қозоқ тилида ижод қилади. Таниқли устоз тележурналистлардан олган ўгитлари, тажрибалари асосида у Ўзбекистон телевидениесида «Замондош» программасини ташкил этди. Ушбу дастурдаги «Таҳририят почтасидан», «Талабаларингизга биноан», «Момақалдироқ ижодий уюшма» каби рукндаги ранг-баранг ва қизиқарли кўрсатувлар ўз муҳлисларига эга.

С. Бухарбоев—икки буюк миллат—ўзбек ва қозоқ халқининг дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўлида ўзи тайёрлаб, олиб борган катта анжуманлардан бири Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройидаги бахши-оқинларнинг айтишув учрашуви ҳамда «Замандас» дастурининг 25 йиллик тўйи нишонланишидир. Сулаймон ака бадиий адабиётдан ҳам машқ қилади. Олмаота шаҳрида чоп этилган «Олтин чақинчоқ» қиссаси китобхонлар эътиборига тушган бўлса, «Ярадор лайлак» деб номланган иккинчи китоби нашрдан чиқиш арафасида.

Яқинда С. Бухарбоев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон «Ойнаи жаҳони»даги ветеран журналист ва илғор ижодкор сифатида «Мустақиллик» нишони билан тақдирланди. Умрининг мазмуни — инсонга яхшилик қилишдан иборат бўлган Сулаймон акани ҳамма орзу-ўйлари ижобат бўлиши учун камтарин замондошимизга энг яхши тилакларни истайман.

Нодира ШОАБДУРАСУЛОВА.

• Спорт

Шу кунларда мустақил Ўзбекистон пойтахтида АҚШнинг Атланта шаҳридан ташриф буюрган бир гуруҳ мутахассислар меҳмон бўлиб туришибди.

Маълумки дўстлик ва тинчлик шаҳри Тошкент 2000 йилда олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогарлик қилмоқда. Ҳозир Сидней, Мончестер, Милан, Истамбул, Тошкент, Бразилиа ва Пекин шаҳарлари ана шундай фахрли ва айни пайтда масъулиятли юмушни адо этишни ўз зиммаларига олиш учун курашмоқда. Тошкентда олимпиада ўйинларини ўтказиш йўлидаги уринишлар бўйича бирмунча ютуқлар бор. Хусусан Оврўпо ва океан орти мамлакатларида мухлислару мутасаддилар шаҳримизга хайриҳоҳлик билан қарашмоқда.

АҚШнинг халқаро спорт

ТОШКЕНТ ОЛИМПИАДАГА МОС ШАҲАР

маъмурияти вакилларининг Тошкентга келиши ҳам бежиз эмас. Чунончи, Барселона олимпиадаси давом этаётган пайтда ана шу мутахассислар Тошкентнинг имкониятларини кўздан кечиришни ихтиёр этишган эди. Ҳозир Майк Осбори, Дон Пейдж, Брус Локерби, Филипс Сзостак, Джон Лаптон, Жан Хукс, Дон Локертлардан иборат етти мутахассис республикамиз пойтахти билан яқиндан танишмоқда. Улар орасида алоқачи, транспортчи, меъмор, спортчи каби ўз ишининг усталари бор. Меҳмонлар атроф-муҳит, иқлим, транспорт, алоқа, иқтисодий имкониятлар, шаҳар ҳокимлиги спорт иншоотлари каби масалаларга алоҳида эътибор қилишмоқда. Тошкентда олимпиадани ўтказиш учун қарийб 300—400 бетлик иқтисодий-техник ҳужжат асослари тайёрланиб, халқаро олимпиада қўмитасига тавсия этилиши лозим.

Республика Давлат спорт қўмитасида меҳмонлар билан мухбирлар учрашувида ана шундай фикрлар ўртага ташланди. Мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарган делегация раҳбари Дон Локерт азим Тошкентнинг одамлари, кўрки, обҳавоси манзур бўлганлигини эътироф этди. Шаҳримизда йирик спорт анжуманлари ўтказиш учун имконият борлигини қайд қилди. Олимпиада ўтказишга даъвогар шаҳарлар орасида Тошкентнинг имкониятлари кўпроқ эканлигидан мамнуният изҳор этди. Республика спорт қўмитаси раиси Собир Рўзнев эса Тошкентда олимпиада ўтказиладиган бўлса, Чиноз атрофида янги аэропорт, Сирғали ва отчопар ораларида олимпиада шаҳарчаси, стадион, сув ҳавзаси, меҳмонхоналар каби бунёдкорлик ишлари амалга оширилажаги ҳақида гапирди. Меҳмонлар олимпиада ўтказишга даъвогар Тошкентнинг барча имкониятларини ўрганиб, иқтисодий-техник ҳужжатларини асослаб беришга ваъда қилдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

«Лазги»га ўйнамасанг, «Тановар»га ўйнаб бер...
С. МАҲКАМОВ олган сурат.

АНДИЖОНЛИК бир гуруҳ сайёҳлар буюк аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадамжолари бўйлаб сафарга чиққан эдилар. Улар тўқиз давлат бўйлаб, ўн саккиз минг чақирим йўл юрдилар. Вилоят ҳокимлиги биносида сайёҳлар билан сафар таассуротлари ҳақида суҳбат ўтказилди. Унда илмий экспедиция раҳбари, геология-минералогия фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош директори З. Машрабов, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг бош муҳаррири, ёзувчи Х. Султонов, Ўзбекистон телераднокампаниясининг Андижон вилояти бўйича мухбири Ф. Расулов, Андижон қишлоқ хўжалик институтининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди С. Шокаримов, Моваруннаҳр мусулмонлари идорасининг масжидлар бўлими мудири С. Қосимов, Бобур номидаги Андижон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Р. Шамсутдинов ва бошқалар иштирок этдилар.

Суҳбатни Андижон вилоят ҳокимининг биринчи муовини Б. Болтабоев бошқарди.

• Мозийга назар

БОБУР ЮРГАН ЙЎЛЛАРДА

БОБУР МЕРОСИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШ ЭКСПЕДИЦИЯСИ САЙЁҲЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ

Зокиржон МАШРАБОВ: — Экспедициямиз Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон ва Афғонистон мамлакатларидан ўтиб, бобомиз Бобур ва унинг авлодлари юрган йўлларда ватандошлар, чет эллик фуқаролар билан учрашиб, суҳбатлар ўтказди. Тарихий обидаларни зиёрат қилдик ва ўргандик. Кутубхоналарда, музейларда бўлиб, илмий-тарихий маълумотлар тўпладик.

Сафаримизнинг ҳаяжонли, машаққатли аммо ғоят мазмунли қисми Афғонистон ва Покистонда ўтди. Афғонистонда ўқ овозлари эшитилиб турган бўлишига қарамай, Бобур ва бобурийлар яратган тарихий обидалар, боғларда бўлдик. Бобуршоҳ қабридан тупроқ олиб, Андижонга келтирдик.

«Пак Панжоб Корпат» компанияси президенти жаноб Толе Зубар, «Инитед Корпете» компанияси президенти Ҳожи Абдужалил, Афғонистон ташқи давлатлар билан алоқа қилиш қўмитаси раиси, доктор Арғун Соҳиб ва бошқалар билан Бобур номли халқаро жамоат хайрия жамғармаси номидан шартномалар тузилди ва имзоланди.

Умуман, экспедициямизнинг биринчи сафари хайрли ишнинг бошланиши бўлди. Бобурийлар сулоласи даврида бунёд этилган иншоотлардан «Тожимаҳал» шарқ услубидаги меъморчиликнинг энг гўзал намуналаридандир. Иншооллоҳ, орзу ҳавасларимиз кўп. Бобур номли халқаро жамоат ҳайрия жамғармаси ҳашар йўли билан Андижонда кичикроқ «Тожимаҳал» иншоотини барпо этиб, ислом дунёсининг илмий-маданий марказларидан бирини яратишни режалаштирмоқда.

Келгусида Ҳиндистон сафарига бориш мўлжалланган. Лондон музейида сақланаётган «Бобурнома» асарининг қўлёзмасидан нусха олиб келиш, Парижга бориб ЮНЕСКО ташкилотидан Бобур юбилейига бағишланадиган халқаро симпозиумни Ўзбекистонда — Андижонда ўтказишни илтимос қилиш, Бобур миллий боғини қонуний рўйхатдан ўтказиш масалаларини ижобий ҳал этиш, кино лавҳалар, китоблар яратиш ниятидамиз.

Хайриддин СУЛТОНОВ: — Бобур Мирзо бизнинг юртимизга ислом нурини олиб келди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан биз мусулмон бўлдик. Бунинг учун Бобуршоҳдан бир умр миннатдормиз, — деди Лоҳурда кекса зиёли аёл Ҳамидахоним Маннон.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқ лозимки, Бобур авлодларига, унинг туғилган юртига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини бутун сафар давомида ҳис этиб турдик. Бобурмирзонинг дилбар шахсияти ва гўзал ижоди боис чет элларда ўнлаб ажойиб дўстлар орттирдикки, бу бизнинг энг катта бойлигимиз бўлиши шубҳасиздир. Турли миллат ва турли касбга мансуб Омунуллоҳ хожи Шамс, Талки Зубайир, Абдулғаффор, Тавфиқ, Ясир, Ислом ва бошқа биродарларимизнинг сафар давомида бизга кўрсатган инсоний меҳр-оқибатлари учун чексиз ташаккурлар билдиришга бурчлидирмиз.

Жаҳонгир Амир Темур ҳазратларн Оқсарой пештоқига қуйидаги сўзларни ёздирган эканлар: «Агар сен бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз бунёд этган иморатларга назар сол».

Лохурдаги «Шохи қалъа» тарихий меъморлик ансамблини кезганимизда, бобурийлар бунёд этган обидаларни кўрганимизда мен беихтиёр Темурнинг ана шу сўзларини эслаб, унинг нақадар ҳақлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу мўъжизалар масканида кўрганкечирганларимизни сўз билан ифода этиш мушкул. Умид қиламанки, экспедициямизнинг телетасвирчиси Фарруҳ Расуловнинг хизмати ва маҳорати туфайли мазкур осори атиқалар ойнаи жаҳон орқали тўла намойиш этилса ажаб эрмас. Ана шунда биз улуғ бобомиз барпо этган салтанат ва иморатларнинг бутун улуғворлиги, салобати ва шукуҳини ҳис этишимиз мумкин.

Фарруҳ РАСУЛОВ: — Олис сафарга жўнаётиб, шоирнинг «биринчи бўлиш оғир, биринчи бўлиш шараф!» деган сатрларини эслагандим. Бизнинг сафаримиз ҳам Ўрта Осиё тарихида биринчи илмий-ижодий юриш эди. Мен сафарда илмий экспедициянинг мухбири, телетасвирчиси, режиссёри сифатида қатнашдим. Бу уч вазифа бир киши учун оғирлигини билардим. Лекин экспедициямиз олдига қўйилган вазифа нақадар қизиқарли бўлганлигини эътиборга олиб, вазифаларни мароқ билан бажаришга киришдим.

Қобулда «Боғи Бобур»ни кезаётганимизда бир нарсадан ҳайратландим. У ердаги паст-баланд адирликлар нимаси биландир Андижоннинг Боғишамолини эслатди.

Боғишамолдан Андижон шаҳри қандай кўриниб турса, Боғи Бобурдан ҳам Қобул шаҳри шундай кўринниб туради. Шу ерда Бобур менинг кўз ўнгимда энг сўнгги нафасигача юртини соғинган сиймо сифатида қайта гавдаланди. Афғон ватанпарварларининг раҳнамоси бўлган ўзбек генерали Абдурашид қароргоҳидаги суҳбатларнинг бирида доктор Арғун Мирзо Бобурни жаҳоннинг буюк беш императори қаторида тилга олганида эса мен Бобурни буюк саркарда сифатида эсладим.

Режаларим кўп. Сафардан қуруқ қайтмадим. Етарли видеоматериал йиғиб келдим. Шулар асосида тўлақонли фильмлар яратиш орзусидаман.

Собиржон ШОКАРИМОВ: — Мен илмий-ижодий сафардан бир олам таассурот билан қайтдим. Бу ғоят ҳаяжонли, ўчмас хотиралар ҳақида фурсати етиб батафсил ҳикоя қилингусидир. Сафаримизнинг асосий мазмуни Бобур ва бобурийлар сулоласининг нақадар буюклигини англашдан иборат бўлди.

Покистоннинг Бобур юрган осмонўпар тоғларидан ўтиб, гўзал Лохур шаҳрига кириб келдик. 1524 йилда Бобур қадами Лохурга етиб келади. Бобурийлар даврида Лохур шаҳри асосий пойтахт бўлган, Буюк Акбаршоҳ ўн тўрт йил (1584-1598) ўз саройини Лоҳурда сақлаб турди. Унинг ўғли Жаҳонгир бу шаҳарга тез-тез келиб турарди. Ўз васиятига кўра Жаҳонгир шу шаҳарга дафн этилган.

Акбаршоҳ даврида шаҳар қалъаси ўн учта дарвозадан иборат бўлиб, яъни ҳозирги кўринишида қурилган. Шаҳарни обод қилишга катта эътибор берилган, меҳнат ва маблағ сарфланган. Гўзал боғлар, ҳашаматли қасрлар, чиройли бинолар барпо этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, боғ ичига оқин сув олиб кириш, ҳовузлар барпо этишни биринчи бўлиб бобурийлар амалга оширганлар. Ўша даврда Лохур боғлар шаҳри номини олган. Акбаршоҳнинг ташкилотчилиги, жонкуярлиги ва ғамхўрлиги туфайли Лохур шаҳрига олиму фозиллар, донишманду шоирлар ҳамда саводгорлар тўпланган эдилар.

«Шох қалъа»ни зиёрат қилдик. Унинг архитектураси, безаклари кишини лол қолдиради, ҳаяжонга солади. Гулбаданбегимга атаб қурилган гумбазли хонада бир мўъжизанинг гувоҳи бўлдим. Гугурт ёқсангиз гумбаз пештоқига берилган безак, ранг-жило, унга ўрнатилган ноёб дур-тошлар тунги тиниқ осмонга айланиб сон-саноқсиз юлдузлар жимирлайди, очиқ тунги табиат қўйнида ҳис этасиз ўзингизни.

Бобурийлар сулоласидан ҳикоя қилувчи кўпгина тарихий обидаларни зиёрат қилдик. Бизга Бобуршоҳ асос солган буюк империя 332 йил умр кўрганлиги ҳақида мароқ билан сўзлаб беришди.

Муҳаммад СОДИҚ ҚОСИМОВ: — Сафар чоғида Туркиянинг Куниё шаҳридаги Жолилиддин Румий мақбараларини кўриш насиб этди. Ўз навбатида Маккаи-Мукаррама ва Мадинаи-Мунавварани ҳам зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлдик.

Араб Амирликларининг Дубли шаҳрида ислом даъват марказида бўлиб, мусулмонлар билан учрашдик. Мазкур даъват марказининг раиси Шайх Хасан ва унинг ҳодимлари бизни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олдилар, қўлларидан келган хизматларини аямадилар.

Лохурда «Жомеъан Ашрафия» диний олий ўқув юртида бўлдик. Мадраса мудири Муҳаммад Убайдуллоҳ ҳазратлари билан суҳбатлашдик. Уларнинг ўқув тартиби ҳам бизнинг мадрасаларимиздаги ўқитиш тартибидан деярли фарқ қилмас экан. Лекин уларда ўқув муддати саккиз йил бўлиб, шу даврда ўқувчиларга олий маълумот бериларкан. Бу ерда таълим олган талаба ислом мамлакатларининг хоҳлаган жойида ўзи учун маъқул бўлган диний вазифа билан таъминланиши мумкин экан.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ: — Ўзим олиб борган кинокамера, диктофон, фотоаппаратдан фойдаланиб, мусулмон давлатларида кўрган-билганларимни ёзиб, суратга тушириб келдим. Покистондан темурийлар, бобурийлар тарихига оид ноёб китоблар харид қилдик. Уларни ўқиб ўргангач илмий, публицистик мақолалар ёзиш, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш ниятидаман.

Университетимизда Ватанимиз тарихидан ўқийдиган лекцияларимда, олиб бораётган таълим-тарбия, илмий фаолиятимда экспедиция сафари чоғида тўплаган материалларим катта манба бўлиб хизмат қилади.

Анқара университетининг тарихгеография факультети ва Мозори Шариф университети вакиллари билан шартнома тузишга муваффақ бўлдим. Шу асосда университетимиз профессор-ўқитувчилари, талабаларининг хориждаги университетлар вакиллари билан борди-келдилари йўлга қўйилади.

Режаларим кўп. Илмий экспедиция давомида тўпланган материаллар асосида Университетимизда «Юртдошимиз Бобур изидан» деб номланган кўргазма ташкил қилдим. Бобур меросини ўрганиш илмий экспедициянинг навбатдаги юришида қатнашиб, тағин материаллар йиғиб келиш орзусидаман.

МУХБИР ИЗОҲИ: Суҳбат эркин, қизиқарли ўтди. Шоир Абдулла Орипов айтганидек, Ўзбекистон тарихида бундай хайрли ва ўзига хос илмий сафар ғоят ноёбдир. Унинг ўзи бир тарих бўлиб, кечмишимизда ўчмас ҳарфлар билан ёзилиб қолади.

Суҳбат давомида Андижонда Бобур уйи тикланганлиги, Боғишамолда Бобур боғи, Хўжаободнинг Дилкушод қишлоғида, Бобур дам олган тоғ бағрида Бобур номида оромгоҳ барпо бўлаётгани, вилоятда Бобур мукофоти таъсис этилгани таъкидлаб ўтилди.

Яқинда Боғишамолда барпо этилаётган Бобур боғида катта маросим бўлди. Маросимга тўпланган катта-кичик раҳбарлар, уламолар, қурувчилар, меҳнаткашларимиз вакиллари Бобурнинг рамзий қабр-мақбарасини қуриш учун оқ фотиҳа бердилар. Бу ерда қазилган рамзий қабрга илмий экспедиция олиб келган махсус сандиқчадаги муқаддас тупроқ кўмилди. Андижон имоми Бобур руҳига бағишлаб тиловат қилди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТАҚЧИЛЛИК ЕНГИЛАДИ

● **Қашқадарё вилояти шаҳар ва қишлоқларидаги дўконлар пештахталари қандолатдан бўшаб қолган бир пайтда гўё «мўъжиза» рўй берди. Қарши сут комбинати «Ирис» маркали конфет ишлаб чиқара бошлади. Янгидан ишга тушган қандолат цехи соатига 400 килограмм ширинлик тайёрлаётир.**

Дўконлардаги тақчиллик комбинат директори Баҳром Примовнинг кўпдан бери кўнглига тугиб қўйган режасини тезроқ амалга оширишга ундади. Корхона фойдасидан 2,5 миллион сўмга Москвадаги «Бўрон» ишлаб чиқариш бирлашмасидан конфет ишлаб чиқарадиган дастгоҳ сотиб олинди. Ўтган йили сут-қатиқ ишлаб чиқариш цехи янги бинога кўчиб ўтганди. Эски бино қайта таъмирланиб, янги ускуналар шу ерга ўрнатилди.

Шунингдек комбинатда пишлоқ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги таъминот базасидан 1 миллион сўмга махсус ускуна сотиб олинди. Айни пайтда соатига 400 килограмм қадоқланган пишлоқ ишлаб чиқармоқда.

— Ҳамма жойда бўлгани каби иқтисодий буҳрон бизнинг жамоага ҳам анча қийинчиликлар туғдирди, — дейди комбинат директори Баҳром Примов. — Маълумки, чорвачилик маҳсулотлари, хусусан сутнинг харид нархи ошди. Шунга яраша тайёрлаётган маҳсулотимизнинг баҳоси ҳам бир неча баробар кўтарилди. Шу боисдан ўзимизда ҳам қатор муаммолар юзага келди. Биринчидан, ишчиларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш учун маошини оширишимиз керак эди. Оширдик. Иккинчидан, ишлаб чиқариш воситалари асосан автоматлашди. Тўртбеш киши ишини бир ишчи-оператор «тугмани» босиш билан амалга ошириши мумкин бўлиб қолди. Шунга кўра ҳисоб-китоб қилиб кўрдик: 20 дан зиёд киши қисқаришга тушар экан. Аммо, корхонада узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган, жамоа ютуқларига меҳнати синган ишчиларни қисқартириш жуда қийин. Уларнинг бола-чақаси бор. Қолаверса, шу кунларда бундай йўл тутиш инсофдан эмас. Хўш, нима қилмоқ лозим? Муаммонинг ечимини топдик. Ортиқча ишчиларни қандолат ва пишлоқ ишлаб чиқариш цехларига жалб этдик.

Йил охиригача иккинчи қандолат цехини ҳам ишга тушириш мўлжалланмоқда. Торт, печенье ва бошқа турли-туман ширинликлар ишлаб чиқармоқчимиз. Асосий мақсад — тақчилликни енгишга озми-кўпми ҳисса қўшишдан иборат.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НУКУСДА КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

● **Нукус шаҳрининг 60 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда саноат, қурилиш, транспорт тармоқларида кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Ободонлаштириш ишлари авж олдириб юборилди. Бир қатор бошланган қурилиш объектлари битказилиб фойдаланишга топширилмоқда.**

Кейинги йилларда республикада кабель маҳсулотлари етишмаслиги сезилмоқда. Бу қийинчиликлардан чиқиш учун барча имкониятлардан фойдаланилаётир. Нукус шаҳрида кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси қурилгани бунинг исботидир. Бу ерда кабель заводининг биринчи навбати ўн бир ойда битказилиб ишга туширилди. У йилига 400 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради.

— Заводимиз келажакда улкан корхона бўлади, — деди корхона раҳбари А. У. Пяк. — Германиядан олиб келадиган машиналаримиз бор. Уларни келтириб қурганимиздан сўнг қўшимча телефон кабеллари, икки тармоқли электр симлари, телевизор, дазмол, холодильник ва бошқа буюмлар учун кўплаб кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз.

Заводнинг иккинчи навбати қурилишига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Келаси йилнинг баҳор ва ёз ойларида бир гуруҳ мутахассислар Москва шаҳридаги кабель заводларига малака ошириш учун юборилади. Иккинчи навбат келаси йилнинг шу кунларида ишга тушади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.
● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ
● «БОЛА УҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон мева-сабзавот ва виночилик саноати концерни раиси Ўринбосари Маҳкам Камоловга умр йўлдоши

Саодат НИҒМАТОВНАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади ва марҳумининг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
●
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Ургончда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: С. СИРОЖИДДИНОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.00 Г—453. № 235. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.